


2025 йил 1-чорагида «Ориент Финанс» ХАТБга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили


2025 йил биринчи чораги кўра, «Ориент Финанс» ХАТБга турли алоқа каналлари орқали жами **31 та** мурожаатлар келиб тушди ва улар девонхонадан рўйхатдан ўтказилди. Шу жумладан, электрон шаклда 29 та (93%) ва ёзма шаклда 2 та (7%) мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 26 таси (84%) жисмоний шахслардан ва 5 таси (16%) эса юридик шахслардан келиб тушган. Турлари бўйича 27 та (87%) ариза ва 4 та (13%) шикоятдан иборат бўлди. Такрорий 4 та мурожаат келиб тушган.



**Расм. 2021-2025 йилларнинг 1-чоракларида кўриб чиқилган
муурожаатлар сони динамикаси**

Жами 31 та мурожаатнинг 25 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига, 2 та ёзма шаклда тўғридан-тўғри банк девонхонасига, 1 таси Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш порталига, 1 та Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ишонч телефони»га ва 2 таси Банк Бошқарув Раиси виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган.

2025 йил 1-чораги бўйича 31 та мурожаатлар «Ориент Финанс» ХАТБ тизимида ўз муддатида кўриб чиқилди. Жумладан, Банкнинг Амалиёт бошқармаси томонидан 9 та, Шайхонтоҳур БХМ томонидан 6 та, Самарқанд БХМ томонидан 3 та, Юнусобод БХМ томонидан 3 та, Миробод БХМ томонидан 2 та, Марказий амалиёт БХМ томонидан 3 та, Чилонзор БХМ томонидан 1 та ва Рақамли БХМ томонидан 4 та мурожаатлар кўриб чиқилган.



- кредитлаш масалалари – 11 (35%)
- пластик карталар, банкомат ва терминаллар масалалари – 7 (23%)
- тўлов тизимлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масалалари – 6 (19%)
- бошқа масалалар – 7 (23%)

Расм. 2025 йил 1-чорагида кўриб чиқилган мурожаатларда кўтарилган асосий масалалар.

Учрашувлар натижалари белгиланган тартибда баённомалар билан расмийлаштирилди ва натижаси бўйича мурожаатчиларга асосли ёзма жавоб хатлари юборилди.

Келиб тушган **муурожаатлар мавзуси** таҳлилига кўра қуйидагилар аниқланди:

- кредитлаш масалалари – 11 (35%),
- пластик карталар, банкомат ва терминаллар масалалари – 7 (23%),
- тўлов тизимлари ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масалалари – 6 (19%),
- бошқа масалалар – 7 (23%).

2025 йил 1-чорагида келиб тушган муурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилди ва муддатида назоратдан ечилди.

Муддати ўтган муурожаатлар мавжуд эмас.